

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ТУРЕЕВ АЗИЗБЕК АБАТОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ
ПОТЕНЦИАЛИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Туреев Азизбек Абатович

Қорақалпоғистон Республикасининг солиқ потенциални оширишнинг
асосий йўналишлари.....3

Туреев Азизбек Абатович

Основные направления повышения налогового потенциала Республики
Каракалпакстан.....29

Tureev Azizbek Abatovich

The main directions of increasing the tax potential of the Republic of
Karakalpakstan.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ТУРЕЕВ АЗИЗБЕК АБАТОВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ
ПОТЕНЦИАЛИНИ ОШИРИШНИING АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07- Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2019.3.PhD/Iqt1118 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ табиий фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tseu.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мусағалиев Ажинияз Жумагулович
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Кузиева Наргиза Рамазановна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Комолов Одилжон Сайфутдинович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи тапшиқлот: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» октябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертацияси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида таништиш мумкин (№ 35) рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «25» октябр кuni тарқатилди.

(2021 йил «25» октябр даги № 35 рақамли реестр баённомаси).



И.Х.Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т.Бердияров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, и.ф.д., доцент

С.К.Худойкулов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қондаги илмий семинар раиси,
и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда солиқ тушумлари потенциали, умуман олганда барча мамлакатларда давлат даромадларининг энг муҳим манбаи ҳисобланади. Солиқлар ва тараққиёт ҳалқаро марказининг сўнги ҳисоб-китобларига кўра, “дунёдаги мамлакатларнинг қарийб ярмида давлатнинг умумий даромадларининг 80% дан ортиғини, деярли барча мамлакатларда 50% дан ортиғини жами солиқ тушумлари ташкил этмоқда”¹. Хусусан, солиқлар хўжалик юритишнинг турли босқичларида такрор ишлаб чиқаришни рағбатлантиради ва мамлакат ёки унинг ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида иштирок этади. Шу нуқтаи назардан давлат ва ёки унинг алоҳида олинган ҳудудида бюджет солиқ муносабатларини такомиллаштириш борасидаги амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда солиқ тушумлари потенциали реал ва самарали баҳоланиши лозим.

Жаҳонда глобал пандемиядан кейинги трансформацион шароитда миллий иқтисодиётнинг ҳудудий жавҳаларида бюджет солиқ муносабатлари такомиллаштирилишида солиқ потенциалини баҳолашда нафақат умумий тарзда, балки маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб мақбул самарали усулларни қўллашни тақозо этмоқда. Шунга кўра, турли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги мамлакатларда солиқ потенциалини оширишнинг назарий ва амалий масалаларини ҳал этишга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, солиқ потенциалини оптимал баҳолаш асосида бюджетга тушумларни ошириш, солиқлар ставкаларини ўзгартириш орқали солиқлар йиғилувчанлигини ошириш ва иқтисодий ўсишга эришиш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин, жаҳонда ҳалқаро амалиётдаги юз бераётган ўзгаришлар ва ўзига хос хусусиятлар мамлакатлар ҳудудлари бюджет солиқ муносабатларини такомиллаштиришда маҳаллий шароитлар устуворлиги асосида солиқ тушумлари потенциалини тўлақонли руёбга чиқарилишини таъминлашга зарурат тўғдирмоқда.

Ўзбекистонда бюджет солиқ муносабатлари такомиллаштирилишида ҳудудларнинг солиқ потенциалини оптимал баҳолаш орқали ошириш долзарб масалалардан бири этиб белгиланган. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни жадал тараққий эттириш ҳисобидан ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутларни камайтириш борасида изчил тадбирлар олиб борилмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да “тармоқлар ва минтақаларни барқарор ривожлантириш ҳисобига ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишини таъминловчи маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаини кенгайтириш; бюджет харажатларини янада оптималлаштириш, шаҳарлар ва туманларнинг

¹ OECD (2021), Tax Co-operation for Development: Progress report in the COVID-19 era, OECD, Paris, www.oecd.org/tax/global-tax-co-operation-for-development-progress-report-on-2020.

субвенцияланишини камайтириш; солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида солиққа тортишни такомиллаштириш”² каби устувор вазифалар белгилаб олинган. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши мамлакат ҳудудлари бюджетининг солиқ потенциали ошишини таъминлайдиган потенциал тушумларни самарали баҳолаш усулларни қўллаш заруратини кўрсатмоқда. Шу боис, ҳудудлар солиқ потенциалини баҳолашнинг мақбул параметрларидан фойдаланиш ва маҳаллий бюджет тушумларининг барқарор ўсишига таъсир кўрсатаётган асосий омилларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини мувофиқлаштиришда ҳудудлар солиқ потенциалини ошириш юзасидан оптимал усулларни жойларда амалиётга татбиқ этиш орқали бюджет солиқ муносабатларини такомиллаштириш бўйича муаммоларни ҳал этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сон «Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сон «2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқ потенциалига оид масалалар юзасидан изланишлар хорижий иқтисодчи олимлардан Р.М.Бёрд (R.M.Bird), С.М.Барро (S.M.Barro), Т.М.Ли (T.M.Le), Б.Морено-Додсон (B.Moreno-Dodson), Н.Байрактар (N.Bayraktar), Ж.Мартинес-Васкес (J.Martinez-Vazquez), Б.Тоглер (B.Torgler), М.Шратценшталлер (M.Schratzenstaller), К.Пессино (C.Pessino), Р.Феночьетто (R.Fenochietto), М.С.Хваджа (M.S.Khwaja), И.Айер (I.Iyer), Ж.Ф.Брун (J.F.Brun), Г.Чамбас (G.Chambas), М.Мансур (M.Mansour) илмий асарларида тадқиқ этилган³.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ 4947-сонли Фармони.

³ Bird, R.M. Tax effort in Developing Countries and High Income Countries: The Impact of Corruption, Voice and Accountability / R.M.Bird. – Georgia State University, Economics Faculty Publications, 2008. – p. 55-71; Barro, S.M. State Fiscal Capacity Measures: A Theoretical Critique / Measuring Fiscal Capacity / Boston: Oelgeschlager, Gunn&Hain, Publishers, Inc., - 1986. -№1. –

Солиқ потенциалини шакллантириш ҳамда баҳолашга оид турли ёндашувлар ва айрим масалалар бўйича замонавий россиялик иқтисодчилардан Л.Архипцева, О.Богачева, Т.Бушинская, И.Вачугов, Е.Лавренчук, А.Каратаев, С.Кириллова, В.Кузьменко, А.Коломиец, А.Мельник, Н.Матрусов, С.Саранова, В.Пансков, А.Паскачев, М.Шалюхина, В.Христенко ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар шуғулланганлар⁴.

Шунингдек, солиқ муносабатларида солиқ потенциалига доир масалаларнинг баъзи жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан О.Абдурахмонов, М.Альмардонов, А.Ваҳобов, Н.Жумаев, А.Жўраев, Т.Маликов, О.Олимжонов, Н.Каримов, Н.Қузиева, Д.Рахмонов, Б.Тошмуродова, Ш.Тошматов, Н.Ҳайдаров, С.Худойқулов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган⁵.

Хусусан, Ф.И.Мирзаев тадқиқотларида Ўзбекистонда солиқ йиғилувчанлиги даражасини ошириш йўллари тадқиқ этилган⁶. У.У.Пардаев эса давлат бюджети солиқли даромадларини режалаштиришда солиқ

p. 14-32; Le, T.M. Tax Capacity and Tax Effort: Extended Cross-Country Analysis from 1994 to 2009 / T.M.Le, B.Moreno-Dodson, N.Bayraktar. – The World Bank. – 2012. - №6252. – 50 p; Bird, R.M. Social Institutions and Tax Effort in Developing Countries / R.M.Bird, J.Martines-Vazquez, B.Torgler // Toronto, University of Toronto, 2004. – 195 p; Schratzenstaller, M. Vom Steuerwettbewerb zur Steuerkoordinierung in der EU ? / M. Schratzenstaller // Wirtschafts – und Sozialwissenschaftliches Institut, WSI-Mitteilungen. 2011.- №6. – p. 303-313; Pessino, C., & Fenochietto, R. (2010). Determining countries' tax effort; Munawer Sultan Khwaja, Indira Iyer. Revenue Potential, Tax Space, and Tax Gap / A Comparative Analysis. // The World Bank Europe and Central Asia Region. Poverty Reduction and Economic Management Department, May 2014. Policy Research Working Paper 6868. – 39 p; Brun, J. F., Chambas, G. and Mansour, M., (2014), "Tax Effort of Developing Countries: An Alternative Measure", in Financing sustainable development by addressing vulnerabilities.

⁴ Архипцева Л.М. Налоговый потенциал: теоретические и практические аспекты использования в планировании налоговых поступлений// “Налого и налогообложение”, 2008, №7. – с. 32; Богачева, О.В. Налоговый потенциал и региональные счета./ Финансы. – 2017. - № 2. – с. 29; Бушинская, Т.В. Региональная налоговая политика и особенности ее реализации (на примере Тульской области): автореф. дисс. канд. экон. наук. – М., 2009. – с. 24; Вачугов, И.В. Налоги и налоговый потенциал региона./ – Новгород: изд. Гладкова О.В., - 2003. - 72 с; Лавренчук, Е.Н. Формирование налогового потенциала./ Региональная экономика и управление: электронный научный журнал. РЭУ - 2011. - № 28. – с. 19-25; Каратаев, А.С. Инструментарий оценки налогового потенциала крупнейшего налогоплательщика. / Вектор науки. - 2010. - № 4 (14). – с. 226; Кириллова, С.С. Как определить налоговый потенциал региона? // Региональная экономика: теория и практика. - 2004. - № 5; Кузьменко В.В., и др. Институциональный подход к исследованию налогового потенциала и налогового бремени// Сборник научных трудов СевКавГТУ. Серия “Экономика”, 2005, №1. – с. 51; Коломиец, А.Л., Мельник, А.Д. О понятиях налогового и финансового потенциала региона./ Налоговый вестник. – 2000. - №1. – с. 3. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.nalvest.com/nv-articles>; Матрусов, Н.Д. Региональное прогнозирование и региональное развитие России. – М.: Наука, 1995. – с. 158-159; Саранова, С.Н. Развитие налогового потенциала в системе государственной региональной политики: автореф. дисс. канд. экон. наук. – Волгоград., 2007. – с. 26; Пансков, В.Г. Налоги и налогообложение: Учебник для ВУЗов. – 7-е изд., доп. и перераб. – М.: МЦФЭР, 2006. – с. 67-68; Паскачев, А.Б. Налоговый потенциал экономики России: монография. Изд. дом “МЕЛАН”, 2001. – 398 с; Шалюхина, М.Н. Налоговый потенциал региона: проблемы оценки, формирования и эффективного использования./ Налоговый вестник. – 2014. - № 1. – с. 31-34; Христенко, В.Б. Межбюджетные отношения и управление региональными финансами: опыт, проблемы, перспективы. – М. 2002. – 608 с.

⁵ Абдурахманов О. Налоговые системы стран с переходной экономикой: Монография. –М.: КНОРУС, 2016. – с. 375; Альмардонов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. Монография. –Т.: ТМИ, 2003. – 233 б; Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2009. – 448 б; Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Т.: ДЖҚА. 2005. – 38 б; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –Т.: Академия, 2002. – 204 б; Олимжонов О. Адолатли солиқ – мамлакат таянчи.//Солиқ тўловчининг журнали, 2006. №6. – б. 38-40; Кузиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Т.: БМА. 2008. – 34 б; Тошмуродова Б. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Т.: ТМИ. 2007. – 32 б; Тошматов Ш. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кўчайтириш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Т.: БМА, 2008. – 38 б; Ҳайдаров Н. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореферати. –Т.: ДЖҚА, 2003. – 36 б; Худойқулов С. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2019. – б. 66.

⁶ Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда солиқ йиғилувчанлиги даражасини ошириш йўллари.// Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012. – б. 5.

потенциалидан фойдаланиш бўйича фикрлар билдирган⁷. Ш.Б.Бабаев илмий изланишларида жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича тушумларни прогноз қилишда солиқ механизми индикаторларининг ўзаро боғлиқлигига асосланган репрезентатив солиқ тизимининг вариантлари таклиф этилган⁸.

Лекин ушбу тадқиқотларда мамлакатимиз ҳудудлари солиқ потенциални ошириш бўйича масалалар атрофлича ўрганилмаган. Мазкур тадқиқотда Қорақалпоғистон Республикасининг солиқ потенциални баҳолаш билан боғлиқ фаолият махсус изланиш объекти сифатида яхлит ўрганилиб, уни ошириш борасидаги илмий муаммоларнинг амалий ечимлари ишлаб чиқилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида «Қорақалпоғистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришини минтақанинг ресурс салоҳиятидан комплекс фойдаланиш асосида такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикасининг солиқ потенциални оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

солиқ потенциали категориясининг мамлакат ва ҳудудий даражадаги таҳлили асосида мавжуд илмий назарий ёндашувлар моҳиятини ёритиш;

солиқ потенциални оширишнинг маҳаллий шароитидан келиб чиқиб уни баҳолашнинг услубий жиҳатларига оид ёндашувлар асослаш;

солиқлар йиғилувчанлигини ошириш бўйича унинг ҳудудий имкониятларини аниқлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатларда ҳудуд солиқ потенциални оширишга оид илғор тажрибалардан фойдаланиш йўллари тадқиқ этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуд солиқ потенциални оширишга доир муаммоларни тадқиқ этиш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига солиқ тушумлари потенциалининг истиқбол башоратини тадқиқ этиш;

ҳудуд маҳаллий бюджетнинг солиқ потенциални ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Қорақалпоғистон Республикасининг солиқ потенциални баҳолаш фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига солиқ тушумлари потенциални баҳолаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

⁷ Пардаев У.У. Давлат бюджети солиқли даромадларини режалаштиришда солиқ потенциалдан фойдаланиш.// Молия. – Т.: 2013. №5. – б. 65-70.

⁸ Бабаев Ш.Б. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича тушумларни прогноз қилиш механизмини такомиллаштириш.// Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2020. – б. 62.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гуруҳлаш, қиёслаш, иқтисодий ва омилли таҳлил, динамикада таққослаш ҳамда иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

худуднинг иқтисодий паст ривожланган туманларида солиқ потенциалини оширишда солиқ ставкаларини 50 фоизга пасайтириш орқали солиқ мажбуриятларини 90 фоизга бажарилиши асосланган;

мамлакат худудларининг солиқ потенциалини оширишда манзилли солиқ имтиёзлари тақдим этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Қорақалпоғистон Республикасида фойда солиғини 60 фоизга ва айланмадан олинadиган солиқни 30 фоизга ўсиши худудда солиқ йиғилувчанлигини оширилиши асосланган;

Қорақалпоғистон Республикаси солиқ потенциали барқарорлигини таъминлашда фойда солиғи ва айланмадан олинadиган солиқ бўйича тушумлар потенциалининг 2023 йилгача прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасининг солиқ потенциалини ошириш бўйича таклиф этилган ёндашувлар асосланган;

худуд солиқ потенциалини оширишнинг маҳаллий хусусиятлари ва солиқ тушумлари потенциалини мақбул баҳолашнинг шарт-шароитлари аниқланган;

солиқ тўлови ставкаларини пасайтириш орқали солиқлар йиғилувчанлигини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган ҳамда мамлакат худудларининг маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб манзилли солиқ имтиёзлари тақдим этилиши мақсадга мувофиқлиги таклиф этилган;

хорижий мамлакатларда солиқ потенциалини баҳолашга оид усуллар тадқиқ қилинган ва репрезентатив солиқ тизими усулидан Қорақалпоғистон Республикасида худуд солиқ потенциалини оширишда ижобий фойдаланиш юзасидан илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг солиқ потенциалини оширишда маҳаллий бюджетга юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва айланмадан олинadиган солиқ бўйича тушумлар потенциалининг ривожланиш тенденциялари эконометрик таҳлил асосида таҳлил қилиниб, уларнинг ўрта муддатга мўлжалланган муқобил илмий прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ бошқармаси, Давлат статистика бошқармаси, халқаро молия институтлари расмий манбаларидан олинганлиги, тадқиқотлар мъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ва таҳлилий маълумотларига асосланганлиги, шунингдек, хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларни ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, мамлакат ҳудудларида солиқ потенциални самарали баҳолаш ва оширишда ҳамда солиқлар йиғилувчанлигини ошириш масалаларини мустақил равишда чуқур тадқиқ этишга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳудуд бюджетига солиқ тушумлари потенциални оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда, солиқлар йиғилувчанлигини ошириш ҳамда бюджет параметрларини белгилашда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади. Ишдаги илмий таклиф ва амалий тавсиялардан илмий-тадқиқотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Қорақалпоғистон Республикасининг солиқ потенциални оширишнинг асосий йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

ҳудуднинг иқтисодий паст ривожланган туманларида солиқ потенциални оширишда солиқ ставкаларини 50 фоизга пасайтириш орқали солиқ мажбуриятларини 90 фоизга бажарилиши бўйича берилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли ва 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сонли қарорларига киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 22 февралдаги ШЕ/01-09/597-сон маълумотномаси). Мазкур қарорларга мувофиқ, ҳудудларда солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажариш даражасини ошириш белгиланган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси паст бўлган Тахтакўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида янгидан ташкил этиладиган саноат йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари 2024 йил 1 январга қадар фойда солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиғини амалдаги белгиланган солиқ ставкаларининг 50 фоизи миқдоридан амалга ошириши белгиланди. Таклифнинг амалиётга жорий қилиниши мамлакат ҳудуди молиявий имкониятларини ва солиқ потенциални маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ошириш ва прогноз қилиш имконини берган.

мамлакат ҳудудларининг солиқ потенциални оширишда манзилли солиқ имтиёзлари тақдим этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сонли қарорига киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 2 мартдаги 02-06/9-02/174-сон маълумотномаси). Қарорга асосан, солиқ имтиёзларининг самарадорлик даражасини баҳолаш асосида уларни тақдим этишнинг аниқ мезон ва механизмлари белгиланди. Натижада Қорақалпоғистон Республикасида шароити оғир 45 та маҳалла ва овулда янгидан ташкил этиладиган хизмат кўрсатиш йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига 2026 йил 1 январга қадар фойда солиғи, кичик корхоналар айланмасидан олинadиган солиқ ва бошқа маҳаллий солиқларни тўлашдан озод қилиш имтиёзи қўлланилиб ҳудуд солиқ потенциали оширилишига рағбат ва шароит яратилган.

Қорақалпоғистон Республикасида фойда солиғини 60 фоизга ва айланмадан олинадиган солиқни 30 фоизга ўсиши ҳудудда солиқ йиғилувчанлигини оширилиши тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли қарорида ўз аксини топган (Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 22 февралдаги ШЕ/01-09/597-сон маълумотномаси). Қарорга асосан, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг солиқ имкониятларини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, солиқ тушумларини ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича прогноз қилиш учун индикаторлар ва маълумотлар манбаларини шакллантириш белгиланган бўлиб, таклифнинг жорий қилиниши натижасида ҳудуд солиқ потенциалини шакллантиришда маҳаллий бюджетга тушумлар потенциалининг ўсишига хизмат қилувчи самарали солиқ режалаштирилиши моделини амалиётга татбиқ этиш имконини берган.

Қорақалпоғистон Республикаси солиқ потенциали барқарорлигини таъминлашда фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича тушумлар потенциалининг 2023 йилгача прогнози бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли қарорига киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 22 февралдаги ШЕ/01-09/597-сон маълумотномаси). Мазкур қарорга асосан, мамлакатимизда ҳудудларнинг солиқ имкониятларини баҳолашнинг ва бюджет даромадларини прогнозлаштиришнинг замонавий усулларини амалиётга жорий қилиш белгиланди. Таклифнинг татбиқ этилиши Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадларини прогнозлаштиришда ҳудуд солиқ имкониятларини баҳолаш ва оширишда услубий йўналиш хизматини бажарган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 2 та, нуфузли хорижий журналларида 3 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 9 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 149 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Солиқ муносабатларида ҳудуд солиқ потенциали тушунчасининг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда солиқ потенциали тушунчасига оид илмий-назарий қарашлар, ҳудуд солиқ потенциалини шакллантиришда илмий ёндашувлар тавсифи ва шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг солиқ потенциалини оширишда ҳудуд солиқ потенциалини баҳолаш усуллариининг таҳлили натижасида назарий хулосалар ифодаланган.

Инглиз тилидаги иқтисодий адабиётлар таҳлилидан "солиқ потенциали" билан "молиявий потенциал" атамаларининг кўпинча баробар юритилишини англаш мумкин. Лекин диссертант фикрича, мазкур тушунчани асосий фарқлаш хусусияти шундан иборатки, молиявий потенциал барча молиявий ресурслардан шаклланади, ўз навбатида, солиқ потенциали эса ушбу йиғиндининг маълум бир қисмини ташкил этади. Демак, молиявий потенциал ва солиқ потенциали тушунчалари принципиал жиҳатдан фарқ қилувчи иқтисодий ҳодисадир ва минтақалараро таққослаш ва бюджетлараро ҳисоб-китоблар тизимини яратиш мақсадларида уларнинг дифференциал тарзда фарқланиши талаб этилади. Шу тариқа, солиқ потенциалини баҳолаш учун ушбу тушунчаларнинг кенг ва тор маънодаги оқилона талқин қилиш имкониятлари ҳисобга олиниши керак. Агар кенг маънода "солиқ потенциали"ни – маълум бир ҳудуднинг комплекс солиққа тортиладиган ресурслари сифатида қабул этсак, тор маънода у амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисобланган солиқ ва йиғимлар бўйича тушумларнинг мумкин бўлган максимал миқдорини англатади. Демак, ҳудудлар солиқ потенциали тушунчасига алоҳида ёндашиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳудуднинг солиқ потенциали – бу ҳудудда солиқ сиёсати ва бошқада омилар орқали амалга ошириладиган, ҳудуднинг иқтисодий ўсиш нуқталарини, мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда маълум вақт (ҳисобот йили) учун солиқ тушумларининг потенциал ҳажмини ифодалайди.

Таъкидлаш ўринли, кўплаган хорижий олимлар томонидан солиқ потенциалини турли хил нуқтаи назардан изоҳлаган ҳолда тадқиқотлар амалга оширилган. Бунда солиқ потенциалига таърифлар тадқиқотчилар асарларидаги маълум изланишларнинг мазмуни ва йўналишларига қараб фарқ қилади. Масалан, Т.М.Ли, Б.Морено-Додсон, Н.Байрактар “солиқ потенциалини – солиқларнинг ЯИМга нисбати сифатида қарайди, яъни бу - импирик равишда баҳоланадиган аниқ макроиқтисодий, демографик ва институционал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, солиқлардан олиннадиган маълум вақтларда ўзгарувчан даромадларни ифодалайди”⁹. Инглиз тилидаги адабиётларга эътибор берадиган бўлсак, “солиқ потенциалини солиқларнинг ЯИМга нисбати сифатида” берилган таърифга қўшилиб булмайди, чунки у солиқ потенциалини

⁹ Le, T.M. Tax Capacity and Tax Effort: Extended Cross-Country Analysis from 1994 to 2009 / T.M.Le, B.Moreno-Dodson, N.Bayraktar. – The World Bank. – 2012. - №6252. – 50 p.

эмас, балки солиқ юкини тавсифлайди. Мазкур ёндашувни К.Пессино ва Р.Феночьетто¹⁰, М.С.Хваджа ва И.Айер каби тадқиқотчилар учун ҳам хос¹¹.

С.М.Барро “худуд солиқ потенциалини фискал таъсирнинг пайдо бўлиш даражасидан қатъий назар, солиқ тушумларини ҳосил қилиш қобилияти сифатида ифодалайди”¹². Шунингдек, Ж.Ф.Брун, Г.Чамбас, М.Мансур тадқиқотларида “солиқ потенциали – мамлакат хусусиятини ҳисобга олган ҳолда регрессия таҳлили асосида маълум бир мамлакатнинг солиқ потенциали билан таққослаганда баҳоланиши таъкидланади, солиқ потенциали категорияси эса молиявий потенциалнинг таркибий бир қисми сифатида қаралади”¹³.

Маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан ўз тадқиқотларида солиқ потенциали ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган. Ф.И.Мирзаев “худуднинг жорий ҳисобот даври учун солиқ потенциалини ҳисоблаш бўйича муаллифлик ёндашувини таклиф этган ва солиқ йиғилувчанлиги даражасини худудлар солиқ потенциали асосида баҳолаш услуби ишлаб чиқилган”¹⁴. У.У.Пардаев “давлат бюджети даромадларини режалаштиришда солиқ потенциалдан фойдаланиш зарурлигини эътироф этган ҳолда, солиқ потенциали бўйича назарий қарашларини илгари сурган”¹⁵. А.Х.Исламқулов эса “солиқли даромадларнинг муддатли даврларда тушишидан келиб чиқиб солиқ потенциалини иккита таркибий қисмга ҳақиқий солиқ потенциали ва стратегик (истикболли) солиқ потенциали сифатида ажратиш тўғрисида фикрлар билдирган”¹⁶. Шу билан бирга, бошқада илмий изланишларда “солиқ потенциалини ҳисоблашда олиб борилаётган тадқиқотлар хусусиятлари ва маҳаллий шароитдан келиб чиқиб ёндашиш муҳимлиги ҳам таъкидланади”¹⁷.

Қайд этилганларни умумлаштириб, худуд солиқ потенциалининг илмий назарий моҳиятини ўрганиш асосида унинг функционал мазмунга эга бюджет ресурслари билан боғлиқ категория эканлиги таъкидланади.

Бугунги кунда худуд солиқ потенциалини ўрганишда ресурсли, фискал ва аралаш ёндашувлар мавжуд. Ёндашувлар бир-биридан сезиларли даражадаги фарқлар билан ажралиб туради, лекин унинг моҳиятини ёритиш муносабатида тадқиқотчиларнинг турли қарашлари бир-бири билан боғлиқ. Ёндашувлар доирасида худуд солиқ потенциалининг Жаҳон банки томонидан 1993 йилги ҳисобот маърузасида тақдим этилган таърифга назар ташласак. Бунда, «солиқ потенциали ҳар қандай маъмурий бирлик ичида солиқ тушумлари

¹⁰ Pessino, S., & Fenochietto, R. (2010). Determining countries' tax effort.

¹¹ Munawer Sultan Khwaja, Indira Iyer. Revenue Potential, Tax Space, and Tax Gap / A Comparative Analysis. // The World Bank Europe and Central Asia Region. Poverty Reduction and Economic Management Department, May 2014. Policy Research Working Paper 6868. – 39 p.

¹² Barro, S.M. State Fiscal Capacity Measures: A Theoretical Critique / Measuring Fiscal Capacity / Boston: Oelgeschlager, Gunn&Hain, Publishers, Inc., - 1986. -№1. – p. 14-32.

¹³ Brun, J. F., Chambas, G. and Mansour, M., (2014), "Tax Effort of Developing Countries: An Alternative Measure", in Financing sustainable development by addressing vulnerabilities.

¹⁴ Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда солиқ йиғилувчанлиги даражасини ошириш йўллари.// Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012. – б. 5.

¹⁵ Пардаев У.У. Давлат бюджети солиқли даромадларини режалаштиришда солиқ потенциалдан фойдаланиш.// Молия. – Т.: 2013. №5. – б. 65-70.

¹⁶ Исламқулов А.Х. Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқ потенциалдан фойдаланиш масалалари.// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – Т.: 2017. №2. – б. 5.

¹⁷ Мусагалиев А.Ж. Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларини шакллантиришда солиққа тортиш механизмларининг самарадорлигини ошириш йўллари.// Монография. – Н.: Qaraqalpaqstan, 2018. – б. 147.

кўринишидаги даромадларни келтирадиган солиқ базасининг қобилияти сифатида қаралади»¹⁸.

Баъзи тадқиқотлар ўларок, “худуд солиқ потенциалига кенг маънода – худуд иқтисодийётида солиқларнинг йиғилувчанлигини ва транзакцион солиқ харажатларини ҳисобга олган ҳолда солиққа тортиладиган ресурсларнинг умумий ҳажми сифатида қарайди, ва тор маънода – солиқ тўловларининг максимал даражаси дейди”¹⁹. Бироқ, диссертант фикрича худуд солиқ потенциалининг фискал ва ресурсли компонент қисмларидан ташқари унинг худуднинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқлиги қайд этилади, ва шунингдек худуд солиқ потенциалининг институционал таркибий қисми ҳам таъкидланади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда мамлакат худудларининг иқтисодий ривожланиш даражаси турлича бўлиб, улар биридан фарқ қилмоқда. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси минтақаси доимо иқтисодий сўст ривожланган худудлар сирасига киради ва бу ўз навбатида, худуд солиқ потенциалини руёбга чиқаришда маҳаллий бюджетга солиқ режалаштириши сифатини оширадиган солиқ потенциалини баҳолашнинг самарали вариантларини жорий қилишни тақозо қилади.

Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон Республикаси худуд солиқ потенциалининг амалдаги ҳолати таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида худуд маҳаллий бюджети даромадларининг шаклланишида солиқ потенциалининг иқтисодий таҳлили, Қорақалпоғистон Республикасида солиқлар йиғилувчанлигининг ҳозирги умумий ҳолати таҳлили ҳамда худуд иқтисодий ўсишини рағбатлантириш учун солиқ потенциалини оширишда хорижий мамлакатлар тажрибалари қиёсий таҳлил этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларида солиқлар тасниф гуруҳининг қиёсий таҳлиliga кўра, 2016-2020 йиллари маҳаллий бюджет даромадлари таркибида бевосита солиқлар улуши 26-35 фоиз атрофида миқдорни ташкил этиб, ушбу даврда камайиш хусусиятига эга. Билвосита солиқлар улуши ушбу даврда 40-58 фоиз атрофида бўлиб, тегишлигича ўсиш тенденцияси кузатилди. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи гуруҳи улуши эса таҳлил қилинган даврда 9-17 фоизни ташкил этиб камайиб борган ва шунингдек, бошқа солиқли даромадлар улуши 7 фоизгача миқдорни ташкил этган²⁰. Бундан айтиш мумкинки, худуд маҳаллий бюджети даромадларининг шаклланишида билвосита солиқлар бўйича тушумлар асосий салмоқни, ундан кейин бевосита солиқлар гуруҳи ҳамда ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумларга салмоқ жиҳатидан охириги ўрин тўғри келади. Қайд этилганлар ўз навбатида, худуд солиқ потенциалини ошириш йўналишларини белгилаб олишда муҳим саналади.

Таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Ўзбекистон бюджет тизимида маҳаллий бюджетлар тоифасига киритилган. Негаки

¹⁸ Walikh, K. World Bank: / Program of technical cooperation “Budgetary relations between authorities at different levels”. 1993. – p. 20.

¹⁹ Архипцева, Л.М. Налоговый потенциал: теоретические и практические аспекты использования в планировании налоговых поступлений. / Налоги и налогообложение. - 2008.- № 7. – с. 39-46.

²⁰ Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

маҳаллий бюджетлар орқали Қорақалпоғистон ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда молиявий маблағлар билан таъминланишини етарли деб бўлмайди. Чунки маҳаллий бюджетлар фақатгина, мамлакат ҳудудлари даражасидаги солиқ режалаштирилишини ифодалайди ва маҳаллий бюджетларнинг ваколатлари маълум даражада тор доирада белгиланган. Шу асосда айтадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикасида ҳудуд бюджет солиқ муносабатларини такомиллаштиришни тақозо этади. Сабаби, республика молиявий имкониятларини ва солиқ потенциалини тўлиқ руёбга чиқаришда ҳудуд маҳаллий бюджетининг ҳозирги ҳолати етарли эмас. Бу ҳолатни «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-657-сон Қонунида ҳам кўрсак бўлади. Жумладан, 2021 йил учун юқори республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 1301,4 млрд. сўм миқдоридан белгиланган²¹.

1-жадвал маълумотларида, 2016-2020 йиллари Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларининг шаклланишида, маҳаллий бюджетларга белгиланган нормативларга мувофиқ умумдавлат солиқлари ҳажми жами даромадларнинг 73-88 фоизгача миқдорини ташкил этган. Шу билан бирга, ҳудуд бюджети даромадларининг шаклланишида маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳам муҳим даромад манбаи ҳисобланиб лекин уларнинг ҳиссаси ушбу даврда 11-17 фоизгача миқдорни ташкил қилган.

Диссертант фикрича, ҳудуд бюджети даромадлари таркибидаги солиқлар улушининг ўзгариши қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади. Солиқлар ва йиғимлардан бугунги кунда самарали фойдаланиш даражасини тўлиқ амалга оширишни таъминлаш ҳамда молиявий имкониятлардан тўлиқ фойдаланишда ҳудудларнинг иқтисодий потенциалини маҳаллий шароитдан келиб чиқиб объектив баҳолаш асосида маҳаллий бюджетларга тушумларни мобилизация қилиш лозимлиги муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудий туманларининг ривожланиш даражаси турлича бўлиб, бунда асосан, ҳудуднинг иқтисодий жиҳатдан паст ривожланган туманларига Чимбой, Қораўзак, Бўзатов, Тахтакўпир, Шуманай ва Муйноқ каби туманларни айтишимиз мумкин. Лекин таъкидлаб ўтилган туманларда молиявий имкониятни ва солиқ потенциалини кўтариш захиралари бор. Шу билан бирга, ҳудуд солиқ потенциалини оширишга солиқ потенциали индикаторларидан, жумладан имтиёзли солиққа тортиш ва солиқлар йиғилувчанлигини ошириш орқали эришиш ҳам муҳим муаммолар қаторида эканлигини қайд этиш ўринли.

²¹ Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2020 й., 03/20/657/1669-сон.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети даромадлари таркиби²², (фоизда)

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши
Бюджет даромадлари, жами	100	100	100	100	100	X
1. Белгиланган нормативларга мувофиқ умумдавлат солиқлари	73,8	75,2	81,4	88,0	85,0	+ 11,2
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	3,1	3,0	3,7	5,2	7,7	+ 4,6
Ягона солиқ тўлови	11,6	12,8	9,1	3,1	2,0	- 9,6
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	26,8	26,0	18,8	21,0	28,3	+ 1,5
Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	5,2	4,8	4,1	1,0	0,5	- 4,7
Қўшилган қиймат солиғи	33,3	42,0	56,3	55,0	52,2	+18,9
Акциз солиғи	7,6	6,0	6,0	6,7	8,3	+ 0,7
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	10,3	4,6	1,9	7,9	0,7	- 9,6
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2,1	0,8	0,1	0,1	0,3	- 1,8
2. Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	17,5	17,8	13,6	11,4	14,0	- 3,5
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфрат. ривож. солиғи	3,8	2,6	-	-	-	X
Бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ	38,1	36,2	28,8	26,0	25,2	- 12,9
Мол-мулк солиғи	23,6	27,8	32,1	26,5	14,3	- 9,3
Ер солиғи	24,0	22,2	28,1	34,3	40,7	+ 16,7
Маҳаллий йиғим ва бозорлардан тушадиган даромадлар	10,5	11,2	11,0	13,2	19,8	+ 9,3
3. Бошқа даромадлар	8,7	7,0	5,0	0,6	1,0	- 7,7

Таҳлил жараёнини аниқлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг солиқ потенциалини баҳолаймиз ва қиёсий таҳлил қиламиз. Аввало биз, солиқ ҳисоботлари маълумотлари ва ҳақиқий тўпланган солиқ тушумлари ҳажмига мувофиқ баҳолаш (аддитив) усули бўйича ҳудуд солиқ потенциалини ҳисоблаб чиқамиз. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳисоблаб чиқилган солиқ потенциали, жумладан: юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича 2016 йил учун 19481,9 млн. сўмни ташкил этиб, ушбу усул бўйича ҳисоблаб чиқилган солиқ потенциали ҳажми амалдаги солиқ тушумларига нисбатан кам. Бошқа солиқ турлари (ягона солиқ тўлови

²² Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

(айланмадан олинадиган солиқ), юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, акциз солиғи ва ресурс солиқлари) бўйича ҳам ҳисобланган солиқ потенциалида ҳудди шу ҳолатни кўришимиз мумкин.

Бундан ҳудуд солиқ потенциалини оширишда солиқ потенциалини ҳисоблашда ушбу усулдан фойдаланиш самара бермайди. Чунки ҳисобланган солиқ потенциали реализация қилинган (амалга оширилган), яъни ҳақиқий тушумларга қараганда кам. Бу эса, тадқиқотимиз йўналишига мувофиқ келмайди, сабаби “солиқ потенциали у ёки бу мамлакатнинг ёки унинг ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий, институционал ва шунингдек демографик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда солиқ тушумларидан олинадиган даромадларнинг максимал миқдорини таъминлаши керак”²³.

Бундан фарқли равишда репрезентатив солиқ тизими усулини кўриб чиқадиган бўлсак, унда солиқ турлари бўйича солиқ базаларини прогнозлаш ҳисобидан ҳудуд солиқ потенциали истиқболини маълум эҳтимоллилик билан баҳолаш мумкин. Бу ёндашув, бизнингча бир қарашда айни маъқул кўринадди.

Лекин мазкур масала юзасидан қандайда бир хулоса қилишимиздан аввал ушбу усул ёрдамида ҳудуд бюджетига солиқлар бўйича солиқ потенциалини ҳисоблаб кўришимиз керак. Репрезентатив солиқ тизими усули ва корреляция регрессия таҳлил усули бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бюджетининг солиқ потенциали ҳисоблаб чиқилди ва қиёсий таҳлил қилинди. Олинган натижалар 2-жадвалда акс эттирилди.

Хусусан, репрезентатив усул бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича ҳисоблаб чиқилган солиқ потенциали 2016 йил учун 21618,9 млн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2017 йил учун 28712,0 млн. сўм, 2018 йил учун 418420,6 млн. сўм, 2019 йил учун 92980,2 млн. сўм ва 2020 йилда 529272,5 млн. сўмни ташкил этиб, ҳисобланган солиқ потенциали суммаси аксарият ҳолда ҳақиқий тушумларга нисбатан кўп миқдорни ташкил этди.

Ушбу ҳолат ягона солиқ тўлови (айланмадан олинадиган солиқ) билан юридик шахсларнинг мол-мулк солиғига ҳам хос. Лекин репрезентатив усул бўйича солиқ потенциалини баҳолаш ушбу усулни қўлланувчи давлатлар учун хос бўлиб, баъзи тадқиқотларда у “солиқ потенциалидан фойдаланиш индекси сифатида қаралиб солиқ тушумларининг ҳақиқий суммасини режалаштирилган даромадларга нисбати бўйича ҳисобланиши қайд этилади”²⁴.

Диссертант фикрича Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадларининг етарлилигини таъминлаш мақсадида ҳудуд солиқ потенциалини оширишда репрезентатив солиқ тизими усулини тажриба синов тариқасида бўлса ҳам амалиётга татбиқ этиш керак. Чунки, ҳарқандай “солиқ потенциали давлат харажатларини қоплаш имконияти мавжуд бўлган жамият даромадларининг максимал суммаси саналади”²⁵.

²³ Pessino, C. & Fenochietto, R. (2010). Determining countries' tax effort. Gupta, M.S. & Abed, G.T. Governance, corruption, and economic performance./International Monetary Fund.– 2002. – p.564.

²⁴ Advisory Commission on Intergovernmental Relations (ACIR). 1982. Tax Capacity of the Fifty States: Methodology and Estimates. Washington, D.C.: US Government Printing Office. <http://www.Library.unt.edu>.

²⁵ Sobarzo, H. Tax Effort and Tax Potential of State Governments in Mexico: A Representative Tax System./Helen Kellogg Institute for International Studies. –Working paper №315. – 2004. – p.31.

**Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига репрезентатив усул ва
регрессион-корреляцион усул бўйича ҳисобланган солиқ потенциали²⁶**

(млн. сўмда)

Кўрсаткичлар	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи				
	2016	2017	2018	2019	2020
Репрезентатив усул бўйича					
ҚР бюджетига солиқ тушумлари (ҳақиқий)	19653,6	22086,2	134974,4	116225,3	155668,4
Ҳисобланган солиқ потенциали	21618,9	28712,0	418420,6	92980,2	529272,5
Фарқи (+/-)	+ 1965,3	+ 6625,8	+ 283446,2	- 23245,1	+ 373604,1
Репрезентатив усул бўйича	Ягона солиқ тўлови (айланмадан олинадиган солиқ)				
ҚР бюджетига солиқ тушумлари (ҳақиқий)	81433,6	92704,6	135624,3	86113,4	45664,5
Ҳисобланган солиқ потенциали	81589,7	89875,0	172043,2	88471,2	30252,0
Фарқи (+/-)	- 156,1	+ 2829,6	- 36418,9	- 2357,8	+ 15412,5
Репрезентатив усул бўйича	Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи				
ҚР бюджетига солиқ тушумлари (ҳақиқий)	27769,8	38535,0	101066,9	78374,8	19516,4
Ҳисобланган солиқ потенциали	29158,2	41232,4	353734,1	101887,2	17564,7
Фарқи (+/-)	+ 1388,4	+ 2697,4	+ 252667,2	+ 23512,4	- 1951,7
Регрессион-корреляцион усул бўйича	Акциз солиғи				
ҚР бюджетига солиқ тушумлари (ҳақиқий)	59145,2	68587,1	70793,9	188364,7	85837,1
Ҳисобланган солиқ потенциали	44402,6	84984,4	110055,4	119615,6	113665,0
Фарқи (+/-)	- 14742,6	+ 16397,3	+ 39261,5	- 68749,1	+ 27827,9
Регрессион-корреляцион усул бўйича	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ				
ҚР бюджетига солиқ тушумлари (ҳақиқий)	43145,0	52818,7	191655,2	220984,3	15655,3
Ҳисобланган солиқ потенциали	5140,0	132067,0	181920,0	154699,0	50404,0
Фарқи (+/-)	- 38005,0	+ 79248,3	- 9735,2	- 66285,3	+ 34748,7
Регрессион-корреляцион усул бўйича	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ				
ҚР бюджетига солиқ тушумлари (ҳақиқий)	6358,7	6687,4	2577,0	1309,7	5740,6
Ҳисобланган солиқ потенциали	7436,1	4407,4	2956,9	3084,7	4790,7
Фарқи (+/-)	+ 1177,4	- 2280,0	+ 379,9	+ 1775,0	- 949,9

Корреляция регрессия таҳлил усулига келсак, мазкур усул ёрдамида акциз солиғи бўйича ҳисоблаб чиқилган солиқ потенциали 2016 йил учун 44402,6 млн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2017 йил учун 84984,4 млн. сўм, 2018 йил учун 110055,4 млн. сўм, 2019 йил учун 119615,6 млн. сўм ва 2020 йил учун 113665,0 млн. сўмни ташкил этди. Бундан айтиш мумкинки, ушбу услуга ҳам репрезентатив усул натижалари хос.

Демак тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, турли усуллар асосида солиқлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бюджетига ҳисоблаб чиқилган солиқ потенциали ҳажмидаги фарқлар бўйича, хусусан:

²⁶ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ҳақиқий (аддитив) усулда солиқ турлари бўйича ҳисобланган солиқ потенциали билан амалга оширилган (реализация қилинган) солиқ потенциали ўртасидаги фарқ бошқа усулларга нисбатан катта миқдорни ташкил этди;

репрезентатив солиқ тизими усулида эса, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича 2018, 2020 йиллар учун ҳисобланган солиқ потенциали билан ҳақиқий тушумлар ўртасида катта фарқ мавжудлиги маълум бўлди. Буни 2018 йилда фойда солиғи таркибига ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг қўшилиши билан изоҳлашимиз мумкин;

регрессион-корреляцион таҳлил усулида акциз солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича ҳисоблаб чиқилган солиқ потенциали билан амалдаги ҳақиқий солиқ тушумлари ўртасидаги фарқ репрезентатив усулга қараганда нисбатан камроқ миқдорни ташкил этди. Бу ўз навбатида, мамлакатимизда солиқ ставкаларининг ўзгариши натижасида солиқ юки кўрсаткичининг ўзгариши билан изоҳланади.

Шундай экан, ҳисобланган солиқ потенциали борасидаги хулосамизни аниқлаштириш учун солиқлар йиғилувчанлиги тадқиқ қилинди.

Қорақалпоғистон Республикасида солиқлар йиғилувчанлигининг амалдаги ҳолати бўйича маълумотларга эга бўлиш учун аввало, жами солиқлар йиғилувчанлиги ҳисоблаб чиқилди ва таҳлил қилинди.



1-расм. Қорақалпоғистон Республикасида солиқлар йиғилувчанлигининг умумий ҳолати²⁷, (фоизда)

1-расм маълумотларида таҳлил қилинган давр 2016-2020 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида жами солиқлар йиғилувчанлиги 2016 йили 88,1 фоизни ташкил этиб, йиллар бўйича ўсиш ва камайиш

²⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

хусусиятига эга бўлган ҳолда ўзгариб борган ва 2020 йилда у 113,8 фоизни ташкил этган. Яъни, йиғилувчанлик 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 25,7 фоиз пунктга ошган. Шунга мос равишда Қорақалпоғистон Республикасининг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатида аксарият ҳолат юз берган. Хусусан, бу кўрсаткич 2016 йили 113,3 фоизни ташкил этган ҳолда таҳлил қилинган даврда 2020 йилга келиб 102,6 фоизни ташкил этган. Натижада 2020 йилда 2016 йилга нисбатан ЯХМ ўсиш суръати 10,7 фоиз пунктга пасайган.

Солиқ мажбуриятларининг бажарилиш коэффициенти ҳам умумий тарзда пасайган ҳолда 2016 йилда бу кўрсаткич 98,0 фоизга бажарилган ва 2020 йилга келиб 93,7 фоизга бажарилишига эришилган. Яъни, бу кўрсаткич 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 4,3 фоиз пунктга камайган. Эътибор берадиган бўлсак, солиқ мажбуриятлари 100 фоиз бажарилмаяпти, ва бу ушбу даврда солиқ қарздорликларининг ўсиши билан изоҳланади. Бизнингча бу парадоксал ҳолат. Яъни хулоса қилиш мумкинки, мамлакат ҳудудлари ЯХМ ўсиш суръати пасайишига қарамасдан давлат солиқ идоралари томонидан улар бюджет параметрларида белгиланган прогноз режа топшириқларини фақатгина ортиқча фискал бажарилиши ҳисобидан йиғилувчанлик оширилишига эришилган деган хулоса қилишимиз мумкин.


Хулоса ўрнида айтганда, "Халқаро Валюта Фонди мутахассислари таъкидлаб ўтганидек, тадбиркорлик цикли фазаси билан солиқларнинг йиғилувчанлиги даражаси ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд: ҳисоб-китобларга кўра, агар иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш даражаси потенциал даражадан паст бўлса, йиғилувчанлик даражаси тушади, ва аксинча, потенциал даражадан кўтарилганда ўсади"²⁸.

Қорақалпоғистон Республикасида солиқлар турлари бўйича йиғилувчанлигининг динамикаси 2-расмда тасвирланди.

